ТАРИХ ФАНИ МЕТОДОЛОГИЯСИ

ИЛҲОМОВ Зиёвутдин Адҳамович
тарих фанлари номзоди, доцент

ТАРИХ ФАНИ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Тарих факультети талабалари учун услубий қўлланма

Аннотация

Мазкур фаннинг маърузалари тарих фани методологияси предметига бағишланган бўлиб, ундан ортиқ маърузаларни ўз ичига олади. Шунингдек, тарих фанининг асосий хусусиятлари очиб берилади, тарихий билишнинг методологик категориялари кўрсатиб берилади, тарихий манба, тарихий далил, тарихий давр конуниятлар таҳлил этилади. Тарих фанининг тадқиқотуслублари ва тамойиллари, фанлараро ёндашув тамойилларига алоҳида эътибор қаратилган. Назарий билимлар сўнгида тарихий тадқиқотлар босқичлари, тушунтириш муаммолари ва тарихий таснифлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилади

Тақризчилар: **М.М.Исҳоков**, тарих фанлари доктори, профессор
С.Р.Тўраев,тарих фанлари номзоди, доцент
Ф.Исматуллаев, тарих фанлари номзоди
Н.Расулова, тарих фанлари номзоди

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети ўқув-услубий кенгашининг 2012 йил 13 декабрь 5-сонли йиғилиши қарори билан нашрга тавсия этилган.

© Низомий номидаги ТДПУ.

КИРИШ

*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихини ҳар томонлама холис ва илмий жиҳатдан мукаммал ва тарихий далилларга асосланган ҳолда ёритишга катта эътибор берилмоқда. Жаҳон тарихининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланган Ватанимиз тарихи ўзининг нафақат қадимийлиги, балки узоқ давом этган тарихий жараёнларининг жаҳон тарихий тараққиёти жараёнларига жуда катта таъсир этганлиги билан ҳам жаҳон илм аҳли эътиборини ўзига тортиб келмоқда. Айтиш мумкинки, Ўзбекистон сўзи тилга олинганда жаҳоннинг турли иқлимларида яшовчи ҳар қандай инсоннинг кўз ўнгида қадимий тарих гавдаланади. Бугунги кунда тарихни нафақат ўрганиш, балки уни илмий жиҳатдан асосланган далилларга таянган ҳолда, тарихий жараёнларнинг моҳиятини очиб беришда ҳаққонийлик тамойилларига асосланган ҳолда чуқур ва атрофлича тадқиқ этиш ҳамда энг тўғри илмий хулосаларни тақдим этиш ҳар бир тарих тадқиқотчиси олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Тарих, тарихий ҳақиқат ва уни илмий жиҳатдан холислик асосида ўрганиш, айниқса уни ёш авлодга етказиб бериш бугунги тарих фани олдида турган энг долзарб масалалардан биридир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, - **"Миллатимиз тарихи ҳақидаги ҳақиқат юртимизнинг фидойи, ўз йўлидан, маслагидан, сўзидан қайтмайдиган фарзандларига очилиши лозим. Билишимиз шарт бўлган саҳифаларни қунт билан вараклаш ҳаммамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз"** [1]

Тарих ва тарихий жараёнлар, сиёсий-тарихий вазият уларнинг рўй беришидаги асосий сабаб ва хусусиятларини илмий жиҳатдан тадқиқ этишда ҳар томонлама таҳлил қилиш тарихий ҳақиқатнинг юзага чиқишида катта омил саналади. Айниқса, турли даврларда яратилган тарихий илмий асарларда муаллифларнинг тадқиқот масалаларига турлича ёндашувлари ва фикрлари, хулосаларнинг турличалиги, уларни илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилиш ва тарихийлик, илмийлик ҳамда холисликка асосланилган энг тўғри хулосаларни чиқариш бугунги кун

[1] Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. "Ўзбекистон", 1996. 92-б

тарихчи мутахассислари олдида турган муҳим вазифалардан саналади.

Республикамиз Президенти И.А.Каримов ўзининг "Тарихий хотирасиз келажак йўқ" номли асарида тарихчиларимиз олдига бир қатор илмий назарий ва амалий долзарб муаммоларни тадқиқ этиш вазифасини қўйиб,Ўзбекистонда ўтроқ маданиятнинг вужудга келиши ва ривожланиши, ўзбек халқининг келиб чиқиши тарихи ва шаклланиш боскичларини тарихий манбалар асосида илмий концептуал тадқиқ этиш, ўзбек давлатчилигининг кўп асрлик тарихи ва шаклланишининг тарихий боскичларини тадкик этиш ва айникса тарих илмини замонавий талаблар даражасида ривожлантириш масалалари алоҳида кўрсатиб ўтилди.- **"Модомики, ўз тарихини билган, ундан руҳий кувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаккоий тарихимизни тиклашимиз, халкимизни, миллатимизни ана шу тарих билан куроллантиришимиз зарур. Тарих билан куроллантириш, яна бир бор куроллантириш зарур"**.[2]

Бугунги кунда тарих фани соҳасида таълим олаётган талабалар тарихга оид асарлардан фойдаланиш, уларни таҳлил этиш каби ўзлаштириш услублари, улардан фойдаланиш самарадорлигини билиш ҳакидаги тарихий тадкикот услублари ва илмий-тарихий ҳакиқатга эришиш йўлларини англаши лозим.

Ҳозирги вактда тарихчи мутахассисларни тайёрлашда ва уларнинг илмий тадкикот малакасини шакллантиришда тарих фанининг турли тадкикот услублари ва ёндашувлари ҳакида етарли билим бериш ва уларнинг тарихий тадкикотлар жараёнида тўғри ва илмий, тарихийликка асосланган хулосаларни чиқаришга йўналтириш бугунги кун тарих ўкитишнинг асосий вазифаларидан бирига айланди.

Бу борада Президентимиз И.А.Каримовнинг куйидаги фикрлари алоҳида аҳамият касб этади: -**"Ёмон томони шундаки, субъектив фикр юқувчан бўлади. Чуқур таҳлил, мантиққа асосланмаган бирёқлама фикр одамларни, энг аввало, тарих ўкитувчиларини чалғитади. Улар эшитганларини ҳакиқат шу экан, деб ўқувчиларга ҳам етказишади. Фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатиши мумкин. Бу - биринчидан.**

Иккинчи масала шундан иборатки, биз комил инсон тарбиясини давлат сиёсатининг устувор соҳаси деб эълон қилганмиз. Комил

---

[2] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўк. – Тошкент: Шарк, 1998. 22-б

инсон деганда биз, аввало, онги юксак, мустакил фикрлай оладиган, хулқ-атвори билан ўзгаларга ибрат бўладиган билимли, маърифатли кишиларни тушунамиз. Онгли, билимли одамни олди-кочди гаплар билан алдаб бўлмайди. У ҳар бир нарсани акл, мантиқ тарозисига солиб кўради. Ўз фикр-ўйи, хулосасини мантиқ асосида курган киши етук одам бўлади".[3]

Мазкур кўлланмада кўзда тутилган энг асосий мақсадлардан бири ҳам талабаларда тадкикотчилик, илмий изланувчанлик малакаларини шакллантиришдан ва келажакда мутахассис сифатида мукаммал тадқиқотларни амалга ошириш учун дастлабки тушунчаларни бериш этиб белгиланган.

"Тарих фани методологияси"фанини ўкитишда талабаларни бугунги кунгача шаклланиб, тарих тадқиқоти шароитида зарур бўладиган илмий-билиш назарияси, тарихни ўрганиш ва англаш тамойиллари услублари билан таништириш ҳамдауларнинг хусусиятлари ҳакида маълумот бериш асосий максад этиб белгиланган. Шунингдек, талабаларни жаҳон тарих фанининг фалсафий ёндашув асосидаги билиш ҳакидаги назариялар, умумий илмий услублар, тарихни билиш йўллари, илмий тадқиқотларни амалга ошириш услублари ва тамойиллари билан таништириш, тарих фани тадкикот услублари бўйича хорижий мамлакатлари тарихи ва Ўзбекистон тарихи илмий адабиётлари билан таништириш ҳамда тадкикот жараёнида тарихчининг аник вазифасини кўрсатиб бериш фаннинг асосий вазифалари сифатида намоён бўлади. Жахон тарих фани методологиясининг ҳамма тарихий даврларда ҳам бир маромда мавжуд бўлиб турмаганлигини ҳисобга олган ҳолда тарих фанининг методологияси ва унинг асосий хусусиятлари тасниф этилади.

Кўлланмада Шарк тарих фалсафаси, яъни методологияси ҳакида ҳам тўхталиб ўтишга ва унинг айрим ўзига хос жиҳатларига эътибор каратиш кўзда тутилган. Маълумки, Шаркда тарихни яратишга бўлган муносабат бошка географик ҳудудлар мамлакатлари тарихини яратиш услубларидан маълум даражада фарқланган. Бундан Шаркда яратилган тарихий асарларнинг ўзига хос хусусиятлари, тарихий асарлар муаллифларининг тарих асарларини яратиш ёки тарихий жараёнлар тавсифини ёритишдаги асосий фалсафий каришлари ва ёндашувлари, Шарк тарихчиларининг тарихнавислик жараёнида риоя этган

[3] Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўк. 6-б